

Аккредитация хизматларини кўрсатиш тўғрисида

АК-534-21/372 -Э-сон шартнома

Тошкент ш.

“ 05 ” январь 2022 й.

Бир томондан Устав асосида фаолият олиб борувчи, кейинги матнларда “Марказ” деб аталувчи “Аккредитация маркази” ДУК номидан директор А.А.Закиров, ҳамда иккинчи томондан Устав асосида фаолият олиб борувчи, кейинги матнларда “Аккредитация объекти” деб аталувчи Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmatining Namangan viloyat boshqarmasi номидан М.Торабеков биргаликда “Томонлар” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани (кейинги матнларда “Шартнома” деб юритилади) имзоладилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Марказ хизматлари мазкур Шартномага мувофиқ ҳамда Аккредитация объектларини аккредитация қилиш соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ISO/IEC 17011 халқаро стандарти, шунингдек, Аккредитация бўйича Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги (APAC), Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ҳамкорлик (ILAC) ва Халқаро аккредитация форуми (IAF) талаблари ва тавсияларига асосланган Марказнинг аккредитация тартибот-таомил ҳужжатлари ва йўриқномалар асосида кўрсатилади.

1.2. Марказ аккредитация тартиб-таомилларига тааллуқли зарур маълумотларни, аккредитация соҳасига оид тегишли ҳужжатларни (аккредитация объектига тааллуқли бўлган қисмида) Марказнинг расмий веб-сайтга жойлаштирилади ҳамда улардан фойдаланиш очик ҳисобланади.

1.3. Марказ аккредитация объектдан аккредитациядан ўтказиш тўғрисида буюртма (кейинги матнларда – Буюртма)ни, аккредитацияга оид қонунчилик, аккредитация ўтказиш тартиб-таомилида назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинган ҳолда (электрон кўринишда) қабул қилиб олганидан сўнг ҳамда Марказ хизматлари (ишлари) учун тўлов амалга оширилганидан кейин мазкур Шартнома бўйича хизматларни кўрсатишга киришади.

1.4. Агар Аккредитация объекти Шартнома имзолангандан сўнг уч иш куни ичида ёзма равишда Марказ хизматларидан воз кечишни ёки хизматлар аниқ рўйхатини ўзгартиришни маълум қилмаса, у ҳолда ушбу Аккредитация объекти мазкур Шартномада кўрсатилган хизматлар кўрсатилишига рози бўлган ва улар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган деб ҳисобланади.

1.5. Марказ Шартномани тузиш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида, Аккредитация объектининг ёки учинчи шахсларнинг ўрнини эгаллашмаслигини, уларнинг мажбуриятларидан озод қилмаслигини, шунингдек бошқа бирор-бир шаклда Аккредитация объектининг учинчи шахслар олдидagi ёхуд учинчи шахсларнинг Аккредитация объекти олдидagi ҳар қандай мажбуриятини ўз зиммасига олмаслигини, қамайтирмаслигини, бартараф этмаслигини Аккредитация объекти тан олади.

2. Ишларни нархи ва ҳисоблашни тартиби

2.1. Ушбу шартномага асосан қуйида келтирилган ишлар бўйича Аккредитация объекти топшириш, Марказ эса кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятини олади.

2.2. Шартноманинг умумий қиймати:

Т/р	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (сўм)	Кўрсатиладиган хизмат қиймати	ҚҚС		Кўрсатиладиган хизматнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати
						Ставкаси	Миқдор	
1	синов лабораторияси ҳужжатларини экспертиза қилиш	киши/кун	22.5	813 835,00	18 311 287,50	15%	2 746 693,13	21 057 980,63
	Жами				18 311 287,50		2 746 693,13	21 057 980,63

Жами шартнома суммаси: йигирма бир миллион эллик етти минг тўққиз юз саксон сўм, 63 тийин.

2.3. Мазкур Шартномага мувофиқ Марказ ҳисоб рақамига, Аккредитация объекти 2.2-бандда кўрсатилган жами суммани ўтказиб бериши (тўлаши) лозим.

2.4. Томонларнинг ўзаро қелишувига мувофиқ, тўловнинг 30% миқдори Аккредитация объекти томонидан нақдсиз тўлов шаклида, Шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида амалга оширилади, қолган 70% тўлов бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг 5 (беш) кун ичида Марказнинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.5. Томонлар ўртасида ишни бажариш учун мазкур шартноманинг 2.2-бандида келтирилган қиймат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 349-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 62-бандига мувофиқ ҳамда ўзаро қелишилган ҳолда белгилаб олинди.

3. Ишларни бажариш, топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Аккредитация объекти ишларни бажариш учун Марказга шартнома, мурожаатнома, ўрнатилган тартибда тайёрланган ҳужжатлар мажмуасини тўпламини топширади;

3.2. Марказ ҳисоб-фактураларни Марказ томонидан “Бажарилган ишлар далолатномаси” (кейинги матнларда - далолатнома) имзоланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон қарорга асосан электрон шаклда расмийлаштириб тақдим этади.

3.3. Шартноманинг 2.2-бандида келтирилган хизматлар натижаси бўйича расмийлаштирилган ҳисобот санаси ёки/ва Томонлар далолатномани имзолаган сана хизмат кўрсатилганлигининг далили ва санаси ҳисобланади.

3.4. Аккредитация объекти далолатномани олган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида имзолаш мажбуриятини олади. Далолатномадан норози бўлган ҳолатларда, Аккредитация объекти қайд этиб ўтилган 5 (беш) иш куни ичида Марказни ёзма равишда бундан хабардор қилиши ҳамда Марказга асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган эътирозларини ёзма равишда тақдим этиши зарур. Агар мазкур бандда кўрсатиб ўтилган муддатда далолатнома имзоланмаса ёки ёзма равишда эътирозлар тақдим этилмаса, Далолатнома имзоланган ҳисобланади ҳамда бу ҳолат тақдим этилган ҳисоб бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4. Шартноманинг амал қилиш муддати

4.1. Мазкур Шартнома ҳар икки Томон имзолаган кундан бошлаб, бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар эса Ғазназилик бўлинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади, қонун ҳужжатлари ёки мазкур Шартномада кўрсатилган Шартномани бекор қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

4.2. Ҳар қандай асосга кўра (шу жумладан 4.1-банд) мазкур Шартнома муддатидан олдиндан бекор қилинган ҳолатларда, Аккредитация объекти Марказга мазкур Шартномани бажариш доирасида ҳужжатлар билан бажарилганлиги тасдиқланган ишлар бўйича тўловларни тўлаб беради.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Аккредитация объекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Мазкур шартноманинг 2.2-бандига асосан ҳужжатлар экспертизаси аёнлари бўйича шу жумладан аниқланган номувофикликлар, камчиликлар тўғрисида (кейинги матнларда - ҳисобот) бир нусхасини олиш;

2) ҳисобот олингандан сўнг жойнинг ўзида баҳолашни ўтказиш учун шартнома имзолашни ва кейинги аккредитация жараёни ўтказишни Марказни ёзма хабардор этган ҳолда рад этиш;

3) Марказга ҳисобот бўйича асосли шикоят қилиш ёки ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот юбориш;

4) аккредитация хизматларини кўрсатишда ўтказиладиган баҳолашда, баҳолаш гуруҳи аъзосига нисбатан асосланган эътироз мавжуд бўлса, ушбу асосларни кўрсатган ҳолда, Марказга уни кўриб чиқиш учун юбориш;

Аккредитация объекти амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.2. Аккредитация объектининг мажбуриятлари:

1) аккредитациянинг умумий талаблари ва шартларига, шу жумладан аккредитация талабларидаги ўзгаришларга, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, Марказнинг расмий сайтида жойлаштирилган аккредитация тартиб-таомилларини белгиловчи ҳужжатлар (аккредитация объектига тааллуқли бўлган қисмида) талабларига ҳамда мазкур Шартнома талабларига риоя этиш ва уларнинг бажариш далилларини тақдим этиш;

2) Аккредитация объекти томонидан аккредитация қилиниши сўралаётган халқаро стандарт талабаларини аккредитация қилиш бўйича хизматларини кўрсатиш жараёнига бажарилишини таъминлаш;

3) хорижий давлатларнинг аккредитация органларида аккредитациядан ўтганлиги ва аккредитация тўғрисида гувоҳнома олганлиги ҳақида Марказни хабардор қилиш;

4) Мазкур шартномага асосан аккредитация хизматларини кўрсатиш учун ҳужжатлар экспертизасини ўтказадиган Марказ томонидан тақдим этилган баҳолаш гуруҳи таркибини келишиш;

5) Марказга тақдим этиладиган ҳужжатлар, маълумотлар ва материалларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, уларни қалбақлаштирмаслик, ишончсиз ёки ёлғон маълумотларни тақдим этмаслик;

6) аккредитация объекти ва/ёки унинг пудратчиси Марказ томонидан кўрсатиладиган аккредитация хизматларига оид (аккредитация учун асос бўлувчи стандартларга асосан баҳолаш) ўхшаш хизматларни кўрсатмаслик;

7) Марказ ва баҳолаш гуруҳи аъзоларини обрўсизлантириши мумкин бўлган хати-ҳаракатларни (провокация, баҳолаш гуруҳи аъзоларига таҳдид ва босим ўтказилиши) амалга оширмаслик;

8) баҳолаш гуруҳи аъзоларига бирор бир пул маблағларини ёки моддий қимматликларни таклиф қилмаслик, коррупцион ҳаракатларга уринмаслик;

9) Марказ томонидан аккредитация объектини баҳолаш бўйича ўз фаолиятини олиб бориш усуллари ҳақидаги ахборотни тарқатмаслик, ишларни бажаришда (хизматлар кўрсатишда) махфийликни сақлашни, ваколатлиликни, холисликни, объективликни ҳамда тижорат ва бошқа турдаги манфаатлардан мустақилликни таъминлаш;

10) Шартномага асосан Марказнинг хизматлари учун тўловни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани имзолаш ёки асосланган ҳолда буни рад этиш;

11) Аккредитация объектининг аккредитациясига алоқадор бўлган муҳим ўзгаришлар (юримдик, иқтисодий, мулкый, ташкилий ўзгаришлар, раҳбар ходимларнинг ёки асосий ходимларнинг ўзгариши, юримдик ва жойлашган жойи ўзгариши ҳамда Аккредитация объекти томонидан аккредитация талаблари ва шартларини бажарилишига таъсир этувчи бошқа масалалар) тўғрисида Марказни кечиктирмасдан ёзма хабардор этиш;

Аккредитация объекти амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.3. Марказнинг ҳуқуқлари:

1) Мазкур шартноманинг 2.2-бандига белгиланган аккредитация хизматларини Аккредитация объектини баҳолаш мақсадида кўрсатишда шартнома асосида миллий ва/ёки халқаро баҳоловчилар ва техник экспертларни жалб этиш;

2) ўз ваколати доирасида Аккредитация объекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд маълумотларни тасдиқлаш, аниқлаштириш зарур бўлганда изоҳ олиш шунингдек, Аккредитация объекти томонидан кўрсатилган маълумотларда ишончсиз ёки ёлгон маълумот мавжудлиги, Марказ томонидан Аккредитация объектидан қўшимча маълумотлар талаб этмаган ҳолда, уларнинг ишончилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш;

3) Аккредитация объекти томонидан аккредитация қилиниши сўралаётган халқаро стандарт талабларини аккредитация жараёнига бажарилиши таъминлаётганлиги тўғрисида маълумотларни кўриб чиқиш;

4) кўрсатилган хизматлар яқунланмасдан шартнома бекор қилинганда, Аккредитация объекти тўлаб берган маблағдан ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар қийматини ушлаб қолиш.

5) Аккредитация объектини баҳолаш бўйича Марказ фаолиятини олиб бориш усуллари ҳақидаги ахборотни Аккредитация объекти томонидан учинчи томонга тарқатилса, Марказ ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриш;

6) Аккредитация объектига ҳужжатлар экспертизаси яқунлари бўйича критик номувофикликлар аниқланса, Марказ аккредитация объектини ёзма хабардор қилишда ушбу номувофикликларни асослантириб кўрсатган ҳолда аккредитация объекти билан қелишилган ҳолда аккредитациядан ўтказишни кейинги жараёнларини тўхтатиш;

7) мазкур шартноманинг 5.2-банди талаблари Аккредитация объекти томонидан бажарилмаган ҳолатларда аккредитация жараёнини тўхтатиш ёки тугатиш;

8) Марказ ўзи қабул қиладиган ва бошқа бирон-бир ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланмайдиган аккредитация қарорлари учун ваколатлидир.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.4. Марказнинг мажбуриятлари:

1) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шу жумладан халқаро стандартлар талабларига ҳамда аккредитация соҳасидаги халқаро қоидалар, Халқаро аккредитация форуми (IAF) ва Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ҳамкорлик (ILAC) талабларига шунингдек, Марказ томонидан ўрнатилган бошқа талабларга ҳамда ушбу Шартномага риоя этиш;

2) Аккредитация объекти Хизматлар учун ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тўловни амалга оширганда хизматларни ўз муддатида мазкур Шартноманинг 1.1-бандига риоя қилган ҳолда кўрсатиш;

3) Аккредитация объектининг ҳужжатлари экспертизаси, мазкур шартномага асосан тўловлар амалга оширилгандан сўнг 15 иш кунидан ошмасдан ўтказилишини таъминлаш;

4) Аккредитация объектига ҳужжатлар экспертизаси яқунлари бўйича, шу жумладан аниқланган номувофикликлар, камчиликлар тўғрисида ҳисоботни юбориш;

5) Аккредитация объектига томонидан ҳужжатлар экспертизаси яқунлари бўйича ҳисобот олингандан сўнг кейинги аккредитация жараёни ўтказишни рад этиш тўғрисида Марказни ёзма хабардор этган ҳолларда аккредитация жараёнини тўхтатиш;

6) Марказ ўзи қабул қиладиган ва бошқа бирон-бир ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланмайдиган аккредитация қарорлари учун жавобгадир.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Махфийлик

6.1. Томонлар махфийликка риоя этиш ҳамда Хизматларни кўрсатиш муносабати билан бир-бирларидан олинган ҳар қандай махфий маълумотларни, шу жумладан мазкур Шартнома мазмунини учинчи шахсларга ошқор этмаслик мажбуриятини олишади, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.2. Махфий маълумот деганда, тижорат сири, бизнесни ривожлантириш ва даромад олиш имкониятлари ҳақидаги махсус маълумотлар ва билимлар мавжуд бўлган исталган маълумотлар, Томонларнинг исталган бирига афзаллик ёки бирор-бир устунлик тақдим этадиган, ушбу маълумотнинг ошқор этилиши шундай афзаллик ёки устунликнинг йўқолишига ёки камайишига олиб келадиган ҳар қандай маълумот, ёхуд ошқор этилиши Томонларнинг манфаатларига зид бўлган ёки сирларга дахл этиш ҳисобланадиган ёхуд Томонлар ходимларининг шахсий ҳаётига аралашув сифатида баҳоланадиган ҳар қандай маълумот тушунилади.

6.3. Махфийлик талаблари Томонлар учун мазкур Шартнома имзоланган санадан бошлаб қучга қиради ва унинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

6.4. Агар Марказ қонунчиликка ёки шартномавий битимлар қоидаларига мувофиқ махфий маълумотларни ошқор қилиши талаб этилса бу ҳақда Аккредитация объектини хабардор қилади, агарда бу қонунчиликка зид бўлмаса.

6.5. Аккредитация объекти тўғрисида маълумот унинг ўзидан бошқа шахслардан олинган бўлса (масалан, шикоят қилувчи, ваколатли давлат бошқаруви органлардан) ушбу маълумот Томонлар ўртасида махфий ҳисобланади. Бундай маълумотларни етказиб берувчи шахс (манба) Марказ томонидан махфий деб ҳисобланади, агарда маълумотларни етказиб берувчи шахс (манба) билан бошқача қелишилган бўлмаса.

7. Мулк ҳуқуқи

7.1. Мазкур шартномага асосан кўрсатилган хизматларга тааллуқли Марказнинг ҳисоботлари, далолатномалари, ҳужжатлари Марказнинг мулки ҳисобланади, Аккредитация объекти мазкур ҳужжатлар мазмунини бирор-бир шаклда ўзгартиришга ёки нотўғри талқин этишга ҳақли эмас.

8. Ҳуқуқларнинг берилиши

8.1. Иккинчи Томоннинг ёзма розилигини олмасдан туриб на Марказ, на Аккредитация объекти ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга беришлари ёки ўтказишлари мумкин эмас.

9. Форс-мажор

9.1. Агар форс-мажор ҳолати оқибатида Томонлар мазкур Шартномада қайд этилган ўз мажбуриятларидан исталган бирини тўлиқ ёки қисман бажара олмаса, бунинг учун Томонларнинг бирортаси жавобгар бўлмайди.

9.2. Табиий офатлар, уруш, камал, саботаж, жамоат тартибсизликлари, иш ташлашлар, экспорт ёки импортга тақиқ қўйилиши, карантин ва эпидемиялар, Томонларга боғлиқ бўлмаган давлат органларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, Томонларнинг мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажаришини имконсиз қилиб қўядиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, шунингдек қонунчиликка мувофиқ Томонлар олдиндан қўра олиш ёки олдини олиши мумкин бўлмаган бошқа ҳодисалар форс-мажор ҳисобланади.

9.3. Форс-мажор юзага келганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига имкон бермайдиган ҳолат содир бўлган Томон зудлик билан (бундай ҳолат содир бўлган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кечиктирмай) иккинчи Томонни форс-мажор юзага келгани ҳақида ёзма равишда хабардор қилади ҳамда ушбу ҳолатлар содир бўлиб турган вақтда Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктиришни тақлиф қилади.

9.4. Агар форс-мажор 3 ойдан ортиқ давом этса, исталган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттиришдан воз кечишга ҳақли.

10. Ноқонуний ва ҳуқуқларга қарши ҳаракатларга йўл қўйилмаслик

10.1. Томонлар иккинчи Томонга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда жавобгарлик белгиланган бирор-бир гайриқонуний хатти-ҳаракатларни ёхуд ҳаракатсизликларни амалга оширишмайди.

10.2. Томонлар ўзларининг мансабдор шахслари, ходимлари ёки каффилланган шахслари иккинчи Томоннинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки каффилланган шахсларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик белгиланган бирор-бир гайриқонуний хати-ҳаракатларни ёхуд ҳаракатсизликларни амалга оширишларига йўл қўймайди.

10.3. Бундай гайриқонуний хати-ҳаракатларга қўйидагилар кириши мумкин, аммо улар шу билан чекланмайди: таҳдидлар; ўз касб мажбуриятларини етарли даражада бажармаслик; ҳавф остида қолдириш; таъмағирлик; обрўсизлантириш; ҳужжатларни, штампларни, муҳрларни, бланкларни эгаллаб олиш, йўқ қилиш, ярқисиз холга келтириш ёки яшириб қуйиш; ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкларни тайёрлаш, қалбақлаштириш, шунингдек уларни сотиш ёки улардан фойдаланиш.

10.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Томонлар, уларнинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа каффилланган шахслари ёхуд бошқа шахслар Томонлар манфаатидан келиб чиқиб исталган шахсларга, уларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир кўрсатиш мақсадида бирор бир пул маблағларини ёки моддий қимматликларни тўламайдилар, тўлашни тақлиф этмайдилар ҳамда тўлашга руҳсат бермайдилар.

10.5. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Томонлар, уларнинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа каффилланган шахслари ёхуд бошқа шахслар Томонлар манфаатидан келиб чиқиб қонун ҳужжатларига мувофиқ пора бериш/олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш деб баҳоланадиган хати-ҳаракатларни, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик мажбуриятини олишади.

10.6. Мазкур Шартномани бажариш жараёнида иштирок этаётган шахсларнинг бетарафликка путур етказадиган ёки манфаатлар тўқнашувига олиб боровчи каффилланганлик ҳолати аниқланса, Томонлар дарҳол бир-бирларини хабардор қилиш мажбуриятини олади.

10.7. Томонлардан бирида мазкур боб бандларида қайд этилган ҳолатлар бузилиши юз берган ёки юз бериши мумкинлиги борасида шубҳа уйғонганида, ушбу Томон иккинчи Томонни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Томон ўзининг ёзма хабарномасида қайд этилган ҳолатларни тасдиқловчи ёки шунини тахмин қилишга асос бўлувчи далилларга таяниши ёки материалларни тақдим этиши шарт.

10.8. Тегишли Томон ёзма хабарнома берганидан кейин, талаблар бузилиш ҳолати рўй бермагани ёки рўй бермаслиги юзасидан тасдиқловчи маълумот олгунига қадар, Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туришга ҳақли. Бундай тасдиқловчи маълумот ёзма хабарнома йўлланган кундан бошлаб ўн иш куни ичида тақдим этилиши керак.

10.9. Томонлардан бири мазкур бўлимда тақиқланган хати-ҳаракатларни ва/ёки мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа гайриҳуқуқий хати-ҳаракатларни содир этмаслик бўйича олган мажбуриятларини бузганда, ёхуд иккинчи Томон Шартномада кўрсатилган муддатда қоидабузарлик ҳолатлари содир бўлмагани ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқловчи маълумот олмаганда, иккинчи Томон Шартномани тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома юборган ҳолда уни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

11. Томонларнинг жавобгарлиги

11.1. Хизматлар кўрсатилмаган тақдирда Марказ Аккредитация объектига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пенянинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеня тўлови Марказни мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажарилишидан ҳамда хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

11.2. Марказ хизматлар учун Аккредитация объекти томонидан тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, Аккредитация объекти Марказга муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Пеня тўлови Аккредитация объектини мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажарилишидан ҳамда унинг оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

11.3. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ қўлланилади.

12. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уни бекор қилиш

12.1. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг ўзаро келишувига асосан киритилади. Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, ҳар икки Томон имзолаганидан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Қуйидаги ҳолатларда ҳар қандай Томон иккинчи Томонни мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши мумкин:

бошқа Томон мазкур Шартноманинг исталган шартига риоя этмаётган ёки уни бажармаётган бўлса;

иккинчи Томон ёки унинг мулкига нисбатан тегишли органлар томонидан банкрот деб топиш ҳақида ариза тайёрланган ёки судга киритилган ёхуд суд томонидан тегишли қарор қабул қилинган, мулк бошқарувчи тайинлаш ҳақида ариза берилган ёки қарор қабул қилинган бўлса;

иккинчи Томонга нисбатан мажбуран ёки ихтиёрий тугатиш жараёни бошланган бўлса; конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

12.3. Иккинчи Томон ёзма хабарномани олган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ўтгач ёки Томонлар мазкур Шартномани бекор қилишга ёзма равишда келишган ҳолатларда бошқа муддатда Шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

13. Низоларни ҳал этиш

13.1. Мазкур Шартномани бажариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонларнинг ўзаро музокаралари йўли билан ҳал этилади.

13.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаганда, келишмовчиликларни судгача тартибга солиш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талбирлар амалга оширилганидан кейин, уларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судига берилади.

13.3. Аккредитация объектининг Марказ ходимларининг хати-ҳаракатлари юзасидан шикоятлари Марказ директори номига ёзма равишда киритилади. Аккредитация объекти Марказ аккредитация комиссиясининг қарори юзасидан апелляция комиссиясига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.


14. Яқуний қондалар

14.1. Томонлар мазкур Шартнома, кейинчалик аслини тасдиқлаш шarti билан, факсимиль алоқаси воситасида ёки электрон почта орқали тузилиши мумкинлигига келишиб олишди.

15. Томонларнинг реквизитлари ва имзолари

Марказ: "Аккредитация маркази" ДУК Манзили: 100170, Тошкент ш, Мустақиллик шох кўчаси, 105 уй Банк реквизитлари: Х/р: 2021 0000 0008 7147 9001 АИТБ "Ипак Йули" Сағбон филиали МФО: 01036, ИНН: 305478484, ОКЭД: 72190 Телефон: +998 78 113-01-11 e-mail: ariza@akkred.uz	Аккредитация объекти: Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmatining Namangan viloyat boshqarmasi Манзили: Наманган шаҳар Шохруҳобод 26 уй Банк реквизитлари: Марказий банк Тош.ш филиали Х/р: 401421860144017074110054001 МФО: 00014 ИНН: 200056620 ОКЭД: Телефон: e-mail:
--	--

Марказ раҳбари:



А.А.Закиров.



Аккредитация объекти раҳбари:



М.Торабеков Ф.И.Ш.

